
Матбуот анжумани ўтказилди

Тошлоқ тумани ҳокимлигининг катта мажлислар залида Халқ депутатлари туман Кенгашининг йигирма тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Тошлоқ туман ҳокимининг туман Кенгаши олдида 2020 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари бўйича ҳисоботи, шунингдек келгуси йилги режаларига бағишланган “Аҳолига мурожаати” ўқиб эшиттирилди. Сессиядан сўнг, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда журналист ва блогерлар, туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Матбуот анжуманида туман ҳокими журналист ва блогерлар томонидан мурожаат юзасидан берилган саволларга жавоблар берди. Тадбир давомида туман ҳокимлиги номидан ҳамкорлик юзасидан барча ОАВлари ва блогерларга миннатдорчилик билдирилди.

2020-12-10 18:59:20